

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОНМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон  
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,  
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик  
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия  
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2020-10  
Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издаётся с 2006 года**

**Бош мұхаррир:**

Абдуллаев Икрам Исакандарович, б.ф.д., проф.

**Бош мұхаррир ўринбосари:**

Хасанов Шодлик Бекпұлатович, к.ф.н., к.и.х.

**Тахрир ҳайати:**

Абдуллаев Икрам Исакандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равишан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.

Абдухалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Калниевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хүшнұт, ф.ф.н., проф.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Баҳтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Баҳтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Қодиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниневич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.

Рўзметов Баҳтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойиназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Баҳтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Гайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрзобоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажсиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Хасанов Шодлик Бекпұлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№10(67), Хоразм Маъмун академияси, 2020 й. – 294 б. – Босма нашрнинг электрон варианти - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2020

## МУНДАРИЖА

### АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ

Нафасов Р., Атамуротов О.Э. Оценка влияния строительных материалов из местного сырья на себестоимость строительства типового жилого дома .....	6
--	---

### БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Rakhmonov R.R., Jabborova O.I., Turawev M.M. Species composition and territorial distribution of hunting animals in Bukhara region .....	9
Абдуллаев И.И., Ганджаева Л.А., Аллабергенова К.С., Курбондурдиев З.Ж., Рazzакова Р.С. Биология и экология клопов рода <i>Eurydema</i> Lap. ....	11
Аллаяров С., Шералиев Б. Сурхондарё ҳавзаси балиқлари тур таркибининг ҳозирги ҳолати .....	13
Ганджаева Л.А. Воздействия температуры на поведение клопов рода <i>Eurydema</i> lap. ....	17
Жуманиязов Ж.О., Абдуллаев И.И. Илдизпояли доривор ўсимликлар биологияси, дориворлиги .....	19
Кобулова Б.Б., Ташипулатов Й.Ш., Шерназаров Ш.Ш. Эколо-флористические особенности альгофлоры Ақдарынского водохранилища .....	21
Муминов М. Шарқ меваҳўрига қарши уйғунлашган кураш тадбирлари .....	27
Муминов М., Обиджанов Д. Олма ҳосилини олма меваҳўридан ҳимоялаш усуллари ....	28
Райимов А.Р., Рустамова М.А. Майна ( <i>Acridoheres tristis</i> ) нинг жанубий- ғарбий Қизилқум регионасида қишиги озиқа таркибининг таҳлили .....	31
Санамъян М.Ф., Норова С.У. Исследование фертильности пыльцы у тестерных линий хлопчатника, маркированных транслокационными обменами .....	34
Сафаров А.А., Ғафуров Ж., Азизов А.Ш. Нок мевасини сақлашда фенологик кузатувлар натижаси ва таҳлили .....	37
Сафаров А.А., Ғафуров Ж., Азизов А.Ш. Тошкент вилояти шароитида етиштирилган нокнинг Санта Мария (Santa Maria) навини сақлашдаги дала тажрибалари натижаси ва таҳлили .....	39
Тажиева Ф.А., Кодиров У.Х., Раҳматов А.А. Ўзбекистон флорасида тарқалган <i>Scutellaria</i> L. туркумининг камёб турлари .....	42

### ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Xudayberganova S.K. Rivojlangan mamlakatlarda yer qa'ridan foydalanganlik uchun soliqning o'ziga xos xususiyatlari .....	47
Абдуллаев У.А. Эконометрический анализ макроэкономических показателей Республики Каракалпакстана .....	48
Абдурахимова С. Ўзбекистонда инновацион фаолиятга таъсир этувчи омиллар ва уни ривожлантириш истиқболлари .....	55
Жўраев Ш.П. Хусусий мулкчиликни ривожлантириш аҳоли бандлиги таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида .....	58
Имодинов Х.С. Тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида таваккалчиликларни бошқариш тизимини такомиллаштириш .....	63
Калмуратов Б.С. Зарубежный опыт управления промышленным развитием в условиях модернизации экономики .....	65
Қобулова М.Я. Қишлоқ хўжалик тармоқлари интеграциясини ривожлантиришда инсон капиталидан самарали фойдаланиш .....	72
Мовлянов Қ. Маркетинг тамойиллари асосида уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўналишлари .....	74
Сауханов Ж.К. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда ташқи самаранинг таъсири .....	78
Халмуратов Қ.П., Санъатбеков С.С. Давлат-хусусий шерикчилик механизмининг таваккалчиликлари ва ривожланиш истиқболлари .....	84
Ханкелдиева Г.Ш. Кластерли ёндашув асосида олий таълим тизимини бошқаришнинг инновацион моделини шакллантириш .....	90
Чўпонов С.О. Эркин иқтисодий худудларини ташкил килиш - халқаро хизматлар савдосини ривожлантиришнинг муҳим омили .....	96
Яқубов А.Ғ. Ўзбекистонда чакана савдосини ривожлантиришда инновацион усуслардан фойдаланиш .....	101

## ТАРИХ ФАНЛАРИ

<b>Ismoilov Sh.Z.</b> Xorazmshoh Aloviddin Muhammadning o'q-yoy tasvirlangan Termiz tangasining tavsifi .....	105
<b>Kuchkarova Z.R.</b> Global migratsiya jarayonning milliy mentalitetga ta'siri .....	108
<b>Turakhonova B.O.</b> Islam and linguocultural picture of the world .....	111
<b>Бафоев Ф.М.</b> Устойчивая управляемость и малые страны .....	114
<b>Бурхонов И.М.</b> Асомиддин Ўринбоев томонидан “Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн” асарини илмий муомалага киритилиши .....	117
<b>Махмудова А.Н.</b> Р.Х. Сулаймоновнинг Обирахмат горини ўрганишга кўшган хиссаси..	119
<b>Машарипов Қ.</b> Жалолиддин Мангуберди ҳарбий санъати. Парвон жанги .....	121
<b>Машарипов Қ.</b> Хоразмда XII – XIII асрларда кечган этник жараёнлар ва Жалолиддин Мангубердининг қайси этник гуруҳга мансублиги муаммоси .....	125
<b>Расулов Ғ.П.</b> Ўзбекистонда тарихий хотира ва маънавий меросни тиклаш масалаларининг зарурияти ва намоён бўлиши .....	128
<b>Расулов Ғ.П.</b> Ўзбекистонда тарихий-маданий меросни асраш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва унинг таҳлили .....	131
<b>Рахимов Ш.Б.</b> Хоразм аҳолисининг ислом даври болалар дағн қурилмалари .....	133
<b>Сатторов Э.</b> Илк ўрта асрларда Суғддаги ижтимоий муносабатлар тадқиқида шаҳарсозлик ва ҳунармандчиликнинг узвийлиги .....	139
<b>Тожиева Ф.</b> Ислом дини ва қулчилик муносабатлари .....	143
<b>Хатамова З.Н.</b> Кўқон хонлиги солиқ тизимиға оид манбалар таҳлилидан .....	145
<b>Ҳалимов Б.З.</b> Пограничные проблемы между Центральной Азией и Китаем .....	146
<b>Шодиева Ш.С.</b> Бухоро ва Туркия ўртасидаги дипломатик муносабатлар .....	151
<b>Юлдашев Ю.Х.</b> Хоразм воҳасида архив ишининг ривожланиш жараёнлари .....	157

## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<b>Abrayeva Sh.E.</b> Linguistic features of latin and greek morphemes in word formation of medical terminology .....	160
<b>Ermetova J., Eshchanova G.</b> The importance of applying bloom's taxonomy in flipped classroom .....	162
<b>Fattoyeva Z.R.</b> Xorijiy tillarni intensiv o'rgatishda qo'shiqning o'rni .....	166
<b>Idiyeva L.I.</b> Proverbs and sayings: Problems Defining Proverbs .....	168
<b>Idiyeva L.I.</b> What is multimedia technology? .....	170
<b>Khakimova M.Kh.</b> Linguistic, psychological influence to the concept of “Physical condition of a person” .....	173
<b>Kim S.T., Rajabboyeva F.R.</b> Introduction to phonetics: non-native speakers .....	175
<b>Madrahimova R.Sh.</b> Theoretical aspects of the methodology of analysis of literary characters at the lessons of the English language .....	181
<b>Mirkhanova M.S.</b> Application of multimedia technologies in the educational process of a higher education institution .....	183
<b>Mirkhanova M.S.</b> Phraseology: translation difficulties .....	186
<b>Safarova Z.R.</b> Teaching different skills to the students of non-philological groups .....	188
<b>Sattarova N.A.</b> Limited features verb in English Uzbek .....	190
<b>Sharapova G.Sh.</b> Emiliya Bronte ijodining o'ziga xos xususiyatlari .....	193
<b>Sulaymonova D.H.</b> Vatanparvarlik ruhidagi paremyalarning ingliz tilidagi tarjimasi .....	195
<b>Алимова Ш.Ш.</b> Совершенствование механизмов обучения теории и практическим умениям будущих учителей русского языка средствами медийных технологий .....	197
<b>Артикова М.М.</b> Эффективное решение проблем по формированию умственной самостоятельности студентов по иностранному языку .....	199
<b>Бозорова М.А.</b> Неразрывность составных слов .....	203
<b>Жумаева К.Ш.</b> Сарой адабиётига ирфоний шеъриятнинг кириб келиши .....	204
<b>Жўраев М., Бобоҷонова Н.</b> “Ҷусоф ва Зулайҳо” достони сюжетининг ўзбек фольклоридаги поэтик талқинлари .....	208
<b>Ишонханова И.А.</b> “Навоий” романнинг Алишер Навоий сиймосини ўрганишдаги аҳамияти .....	216
<b>Қодирова Б.И.</b> Лексикологик терминларнинг қиёсий-типологик таҳлили .....	219
<b>Мўминова А.А.</b> Турли тизими тилларда имо-ишораларининг лингвомаданий тавсифи .....	222
<b>Отабоева М.Р.</b> Градация ва градуонимия ҳодисаларининг тилшуносликда тадқиқ этилиши .....	226

Раджабова Л.У. Преимущества ролевых игр для студентов нефилологических групп ....	228
Раджабова Л.У. Разные способы обучения различным навыкам студентов на занятиях .	231
Рузиева Д.Н. Состояние и направления применения интернета в системе образования Узбекистана .....	233
Рузметова О.А. Инглиз тилида мутахассислик фани мавзулари доирасида ўқувчига оғзаки нутқни ўргатиш технологиялари .....	236
Сарiev А.Б. Оксюморон как особый поэтический приём в поэзии М. Лермонтова .....	239
Саттарова Д.Т. Эффективные упражнения по употреблению фразовых глаголов, способствующие общению .....	241
Турсунова М.Э. Испан тилинингижтимоий худудий тавсифи .....	244
Юлдошева Л.У. Абдулла Қаҳҳор асарларининг рус-ўзбек адабиётидаги аҳамияти .....	246
Юсубова Р.Н. Синекдоханинг эллипсис асосида юзага келиш омиллари .....	248
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ</b>	
Jumayeva S.R., Qodirov Z.Z. Intensiv bog'-uzumzorlarni tomchilatib sug'orish usulining samaradorligini ilmiy asoslash .....	252
Pirimov J.J., Axmadov B.O., Adizova F.N. Jismoni va yurudik shaxslarning mulk huquqlari kafolatlarini ta'minlash hamda yer uchastkalarining olib qo'yish va kompensatsiya berish tartibini takomillashtirish .....	254
Satipov G.M., Raximov Sh.Sh., Yusupov H.R. Xorazm viloyati o'tloqi allyuvial tuproqlarida yangi va istiqbolli kuzgi bug'doy navlarining hosildorligiga ma'danli o'g'itlarning ta'sirini o'rganish .....	257
Satipov G.M., Yusupov H.R. Yangi va istiqbolli g'o'za navlarini hosil elementlarining shakllanishiga o'g'it va suv berishning ta'siri .....	259
Абдуллаева М.Т. Қишлоқ хўжалиги ер тоифаси мониторингининг ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга таъсири .....	262
Абраматов М.Б. Маданий ландшафтнинг шаклланиши ва элементлари .....	265
Авлиякулов М.А., Дурдиев Н.Х. Уруғлик учун етиштириладиган ғўза навларини парваришлиш .....	267
Бўриев С., Азимова С. Ердан фойдаланишда иқтисодий механизмнинг роли .....	269
Закимов А.М. Қишлоқ хўжалигига ер ресурсларидан самарали фойдаланишда қизилмия илдизининг аҳамияти .....	272
Кутлимуратова Д.Б. Ўтмишдош экинларни танлашнинг тупроқ унумдорлигига таъсири .....	275
Суллиева С.Х., Зокиров Қ.Ғ. Кузги буғдой ўсиши ва ривожланишининг бегона ўтлардан тозаланиш даражасига боғлиқлиги .....	277
Суллиева С.Х., Равшанова У.Б., Зокиров Қ.Ғ. Кузги буғдой поясининг ётиб қолишига чидамлилигининг бегона ўтларни бартараф этилишига боғлиқлиги .....	278
<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
Ne'matov B.S. Kreativ yondashuvlar asosida o'quvchi-yoshlarda ma'naviy-axloqiy munosabatlarni shakllantirish texnologiyasi .....	281
<b>МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ</b>	
Шарипов Р.А., Ваисова М.Д., Худайберганова Г.К. $\alpha$ -емкость и его связь с трансфинитным $K_\alpha$ -диаметром в классе $\alpha$ -субгармонических функций .....	283
<b>ЭКОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
Michael Brody Air Pollution in Uzbekistan and Tashkent: A Major Health Issue .....	290

Соглашения раздельно для вооруженных сил и пограничных войск (пограничных частей) Сторон в соответствии с Протоколом о контроле и проверках.

Необходимо отметить, что встречи глав государств «Шанхайской пятерки» становились регулярными и, более того, традиционными. Следующий саммит глав пяти государств состоялся 3 июля 1998 года в Алматы, в ходе которого наметилась тенденция к расширению сфер сотрудничества. В итоге, совместная деятельность «Пятерки» не ограничилась решением пограничных вопросов.

24-25 августа 1999 г. в Бишкеке состоялась четвертая встреча глав государств, по итогам которой были подписаны Бишкекская Декларация и Соглашение между Казахстаном, Киргизстаном и Китаем о точке стыка государственных границ трех государств.

Одним из значимых событий в эволюции объединения стал пятый саммит глав государств «Шанхайской пятерки» в Душанбе, состоявшийся 5 июля 2000 года. В подписданной Душанбинской декларации уже прямо подчеркивалось стремление сторон превратить «Шанхайскую пятерку» в региональную структуру многостороннего сотрудничества в различных сферах. Это стало необходимым не только в связи с расширением сфер деятельности, но и для более эффективного скоординированного сотрудничества в рамках предыдущих договоренностей. Помимо Душанбинской декларации, на саммите было подписано трехстороннее Соглашение о точке стыка государственной границы между Киргизстаном, Китаем и Таджикистаном. Подписанием данного соглашения закончился трудный процесс юридического уточнения государственной границы между пятью странами-участницами.

Главным событием 2001 г. стала встреча глав государств, которая прошла 15 июня в Шанхае. Шанхайский саммит стал ключевым событием в истории объединения, поскольку произошла правовая трансформация объединения «Шанхайская пятерка» была трансформирована в Шанхайскую организацию сотрудничества (ШОС). Это стало необходимым ввиду расширения круга обсуждаемых проблем и сфер сотрудничества, включая экономический блок (напомним, что «Шанхайская пятерка» первоначально была призвана заниматься пограничным вопросом), и присоединения третьих стран в лице Узбекистана, не имеющего общей границы с Китаем. ШОС по сравнению с «Шанхайской пятеркой» ставит своей целью создание единой системы безопасности в Центральной Азии.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Аманжолов Ж.М. Территориальные и пограничные взаимоотношения Казахстана и других республик бывшего СССР с Китаем // Вестник КазГУ. Серия «Международные отношения и международное право». – №1(3). С.87.
2. Чжен Кун Фу. Геополитика Казахстана. Между прошлым и будущим. – Алматы, 1999. С.292.
3. Государственная граница. Сборник нормативно-правовых актов и международноправовых документов. – Алматы, 2000. С. 35-45.

#### УЎК 93

### БУХОРО ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР Ш.С. Шодиева, таянч докторант, Бухоро давлатуниверситети, Бухоро

**Аннотация.** Мазкур мақола XIX асрда Бухоро амирлиги ва Усмонийлар империяси ўртасидаги алоқалар, шунингдек, дипломатик муносабатларда элчи алмашинуви ҳусусида бўлиб, ҳар икки давлат манфаатларига хизмат қилган сиёсий ҳамкорликни ўз ичига олади. Шу билан бирга Бухоро амири ва Усмонли турк сultonлари ўртасидаги расмий мактуб алмашинуви ҳусусида ҳам фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Усмонийлар давлати, Туркия, Истамбул, Бухоро, Бухоро амирлиги, Ўрта Осиё хонликлари, Мирза Муҳаммад Салимий, Болтақулбек, Амир Насрulloхон, Конолли, Стоддарт, Амир Музффар, Султон Абдулазиз, Ҳожса Муҳаммад Порсо, элчи, Бухоро жсанҷилари, қурол-яроғ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются связи между Бухарским эмирятом и Османской империи, смета дипломатов в дипломатических отношениях, политическое сотрудничество двух государств. А также рассматривается обмен формальными письмами между Бухарским эмирят и Османскими солтанами.

**Ключевые слова:** государство Османидов, Турция, Стамбул, Бухара, Бухарский Эмирят, Средно - Азиатские ханство, Мирза Мухаммед Салими, Болтакулбек, Эмир Насруллахан, Коноли, Стоддарт, Эмир Музффар, Султан Абдулазиз, Ҳоджа Муҳаммад Порсо, посол, воини Бухары, оружие.

**Abstract.** The following article reconsiders the relations between the emirate of Bukhara and Ottoman Empire in the 19<sup>th</sup> century also the exchange of ambassadors, includes the political cooperation which served to the bilateral relations of both countries. Also, there is an exchange of discourses on the exchange of correspondence between the emirs of Bukhara and the Sultans of the Ottoman empire.

**Key words:** Ottoman empire, Turkey, Istanbul, Bukhara, Emirate of Bukhara, khanates of Central Asia, Mirza Muhammad Salimi, Boltaqulbek, Emir Nasrullah Khan, Conolly, Stoddard, Emir Muzaffar, Sultan Abdualaziz, Khoja Muhammad Porso, ambassador, soldiers of Bukhara, weapons.

Бухоро амирлигига хукмронлик қилган манғитлар сулоласининг айрим Шарқ давлатлари га нисбатан олиб борган ташқи сиёсатида иқтисодий алоқалар билан бир қаторда сиёсий алоқалар ҳам сезиларли даражада фаоллашди. Бу хусусият айниқса қўшни Туркия ва Эрон давлатлари билан муносабатларда яққол кўзга ташланади.

Усмонийларни ўзбек хонликлари га эътиборининг кучайиши асосан 1768 йилдаги Россия ва Туркия ўртасидаги уруш ва 1774 йилда имзоланган Кучук-Қайнаржа сулҳи [6.202] туфайли юзага келди. Бу сулҳ шартномаси Усмонийлар давлатида инқироз даврини бошлаб берди ва 1783 йилда Кримнинг Россияга тобеълигини расман эълон қилиниши [9.60] билан тугади.

Стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган Кримнинг руслар томонидан эгалланиши Усмонийлар давлати учун катта йўқотиш бўлганди. Кримни эгаллаган Россия Усмонийларга Кавказдан туриб таҳдид солар эди. Бундай вазиятда Усмонийлар дастлаб ўзларига иттифоқчиларни Европа давлатларидан қидирарди [9.71]. Француздар ёрдамида Кримни Россиядан кайтариб олиш мақсадида Усмонийлар 1801 йилда Франция билан дўстлик шартномасини имзолади [4.80], аммо кутилган натижага эриша олмагач, улар ўз мақсадларини амалга ошириш учун ўзбек хонликлари билан иттифоқчиларни мустаҳкамлашга киришадилар.

Ўз навбатида Бухоро амирлари султоннинг энг кучли мусулмон хукмдори сифатидаги обрўсидан фойдаланиб, ундан Марказий Осиё мусулмонларини ҳимоя қилишини сўраб мурожаат қилишлари асносида Усмонийлар империясидан ҳарбий техника ва ҳарбий ишлар учун молиявий ёрдам олишни кўзлаб ҳаракат қилганлар. Улар XIX аср давомида даврий равишида Истамбулга элчиларни юбориш орқали Усмонийлар империяси билан доимий дипломатик муносабатларни юритиб келганлар. Элчилар султон саройини Марказий Осиё худудидаги ҳолат тўғрисида доимий хабардор қилиб турганлар.

Бу икки томонлама муносабатларда Истамбулдаги буҳороликлар диаспораси алоҳида ўрин тутган. Унинг вакиллари султон саройига сиёсий маслаҳатлар олиш учун таклиф этилганлар ва Бухорога яширин дипломатик миссия билан юборилганлар. Таъкидаш жоизки, маҳаллий ҳукумдорлар султоннинг ёрдамига таяниб ўзларининг мавқеъларини мустаҳкамлаш ёки ўзаро маҳаллий урушларда ҳолатни ўз фойдалари га ҳал қилиш мақсадларини ҳам кўзда тутганлар [2.20-21]. Шунингдек улар султондан қурол-аслаҳа, ўқитувчилар ва саноатнинг турли соҳалари бўйича мутахассис-усталар юборишини сўраб мурожаат қилганлар.

Бухоро амирлигининг Усмоний-турк давлати билан дипломатик муносабатлари Дониёлбий оталиқнинг (1758-1784 й.) хукмронлиги даврида анча фаол бўлган. Бу анъана Манғитлар сулоласининг кейинги вакиллари амир Шоҳмурод ва Амир Ҳайдар даврида ҳам давом эттирилди [17.20]. Бухоро амири Шоҳмурод Бухоронинг Эрон билан бўлган сиёсий алоқалари даги чигал вазиятни Туркия ва Россия қўмагида ҳал қилишга уринган.

Бухоро амирларининг Туркия билан дипломатик ёзишмалари икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларини кенгайтиришни, савдо карvonлари йўллари даги хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ чораларни амалга оширишни сўраб ёзилган мурожаатлардан иборат эди [1.136].

Амирнинг Усмонийлар Султони билан мазкур ёзишмаларда икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда тутувлик ва ҳамжиҳатлик истаги, азалдан давом этиб келаётган савдо-сотиқни ривожлантириш, икки давлат ўртасидаги манфаатдорликни мустаҳкамлашга интилиш ва бу йўлдаги тўсиқларни бартараф қилишга чакириқ эслатилган ҳужжатларнинг ҳаммасига бирдек хос бўлган умумий ғоя эканлиги аниқ акс этган. Чунки яқин қўшилари билан муносабатлар кескинлашган бир вақтда Усмонийлар билан алоқаларни кенгайтириш амир дипломатиясининг муҳим вазифаларидан бири эди.

Усмонийлар хукумати Бухоронинг Ўрта Осиё хонликлари орасида устунлиги хақида фатво беришни истамаганлиги, Бухоро амирлари эса Усмонийларнинг Эронга нисбатан

муносабатини қўллаб-куватламаганлигига қарамай, Усмонийлар билан амирлик ўртасидаги элчилик алоқалари тўхтаб қолмади. Хусусан, Бухоро элчиси Мирзо Муҳаммад Фозил томонидан Усмонийлар империяси султони номига ёзилган Бухоро амирининг мактубини етказганлигини тасдикловчи хужжат [5.20] фикримиз далилидир. Бу мактубда Бухоро амирлигида кейинги беш йил ичida рўй берган фитналар ҳамда Тошкент, Қўкон, Хоразм ва Дашиб Қипчоқдаги исёнлар сабабидан Усмонийлар империяси билан алоқалар узилиб колганлиги, шу исён ва фитналарга қарши курашиб, уларни бостириб, тинчлик ўрнатилганлигидан сўнггина яна Усмонийлар империяси билан алоқаларни тиклаш имконияти пайдо бўлганлиги тўғрисида маълум қилиниб, Бухоро ҳукмдори номидан Усмонийлар султонига дуо-ю саломлар орқали унга содиқлиги ва дўстона муносабатда эканлиги билдирилиб, ўзаро баҳамжиҳат дўстона ни муқим давом эттириш асосий мақсади эканлиги баён қилинган [5.22-23]. Бухоро амирлигининг ҳамкорлиги Насруллоҳон (1826-1860 йй.) ва Музофариддинхонлар (1860-1885 йй.) ҳукмронлиги даврларида ҳам давом этиб турди. Чунончи, ҳар бир янги тахтга кўтарилган хон айрим мамлакатларга элчилар юбориб, бу ҳақда ўша давлат ҳукмдорларини хабардор килиши лозимлиги анъанаисига кўра, амир Насруллоҳон ҳам ўзининг тахтга чиқсанлиги ҳақидаги хабарни Усмонийларга етказиш учун қирқ уруғидан бўлган Болтақулбек Чигатойбегини Усмонийлар султони Абдулмажидга элчи қилиб юборади. Болтақулбек Чигатойбеги Истамбулга Эрон орқали сафарга чиқиб, қабул қилинган таомилга кўра, бу мамлакат подшоҳига ҳам (гарчи Эронга маҳсус, қирқ уруғидан бўлган Қобулбек бий элчи қилиб юборилган бўлса-да) ўз ҳукмдорининг хурмат эътиборини изҳор қилиш учун тўхтаб ўтади. Бу ҳақда «Кашкули Салимий» ёки «Тарихи Салимий» асарининг муаллифи Мирза Муҳаммад Салимий ёзиб қолдирган. Унда баён қилинишича қирқ уруғидан бўлган Болтақулбек Чигатойбеги жуда тадбиркор, акли, доно ва сўзга бой дипломат бўлган. У Эрон шоҳи Муҳаммадшоҳ қожарнинг «Бухоро ҳалқи Эрон фуқароларини ўғирлаб сотиб тириклик ўтказадилар-у, бунинг устига шарм-хаё қилмасдан подшоҳларга элчилар ҳам юборадилар», - деб ўз адоватини изҳор қилган сўзларига донолик билан жавоб бериб, бу вазиятдан қутула олган ва шоҳнинг эътиборига сазовор бўлган. Жумладан, у Эрон шоҳига ушбу давлатнинг қоидаларига асосан шоҳ қаршисида ўрнидан турган ҳолатда шундай жавоб қиласди: «... Шаҳаншоҳга маълумки, қадимдан Бухоро подшоҳлари аксар мамлакатларга нисбатан номдор ва машхур бўлганлар. Айрим кишилар бунга шак ва шубҳа қиласдилар. Бухоро давлати ва Эрон мамлакати ўртасида туркман жамоаси бўлиб, на Бухоро ва на Эрон подшоҳи қонунларига тобеъдирлар. Улар бебошлиқ ва талончилик йўлини танлаганлар. Улар Эрон фуқароларини ўғирлашади, асирга олишади ва Бухоро бозорларида сотишади. Бухоро ҳалқи асиirlарни сотиб олиб, уларга диндошлиқ муруввати ва шафқати ила ёрдам қўрсатиб, озод қиласдилар. Улар (Эрон асиirlари) Бухорони Ватан тутиб, уй-жой қилиб, бой бадавлат бўлиб, ҳатто подшоҳлар хизматида юқори мансабларга эришадилар ва Эрон вилоятини ўз хотираларидан чикарадилар»[8.59a]. Муҳаммадшоҳ ушбу сўзларни эшишиб ҳурсанд бўлган ва Болтақулбекка: «Савоб ишдан ташқари мени ўз жавобинг билан ҳурсанд ва хотиржам қилдинг», -деб пул, маҳсус бош оёқ сарпо ва ўзининг «Кабуд» (Қўқ) лақабли суворий отини совға қилган [8.59b]. Эрон шоҳи элчилик таомили бўйича Бухоро элчиси шарафига бир неча кун зиёфат ўтказиб, кейин аъёнларига уни Туркия чегараларигача кузатиб қўйишини буюрган [7.112]. Болтақулбек Чигатойбеги Раҳматбек ўғли Эрондаги ташрифини муваффақиятли адо этгандан сўнг ўз ҳамроҳлари билан Туркия султонлиги маркази Истамбулга этиб келади.

Султон Абдулмажид ҳузурига киришдан олдин тамойилга кўра, уни аввал сарой аёни бўлмиш қоплонбоши (Фикримизча, у Турк султонининг ташки ишлар билан шуғулланувчи вакили бўлса керак. Ш.Ш.) кутиб олиб, ўз уйида меҳмон қиласди ва ўз султонлигининг одатига мувофиқ элчидан Бухоро амирининг султон номига ёзилган номасини султонга тақдим этиш учун унга беришини сўрайди. Аммо Бухоро элчиси Болтақулбек Чигатойбеги ўз ҳукмдорининг фармойишига асосан номани султон қўлига шахсан ўзи топширишлигини айтади [8.59b]. Бир неча кун ўтиб қоплонбоши элчини Султон ҳузурига кузатиб боради. Элчи Болтақулбек Бухоро давлатида қабул қилинган урф-одат бўйича белига фута (шоҳи белбоғ) боғлаб, унинг ўртасига ханжарни маҳкамлаб қўяди. Қоплонбошининг элчига бу одат Султон таъбига тўғри келмаслигини тушунтириб эътиroz билдиришига қарамай элчи ўз урф-одатига қатъий риоя қилишини айтади ва Султон Абдулмажид ҳузурига киришга мусассар бўлади. Мирза Салим ўз асарида элчининг Султон ҳузурига ташрифини қўйидагича тасвирлаб, шундай ёзади: «Султон Абдулмажид элчидаги белбоғ ва ханжарни кўрди ва бунинг сабабини сўради. Элчи Султон қаршисида туриб жавоб берди: «Подшоҳлар қадимдан

ўз ғуломларини сийлаб амирлик мартабасига кўтарадилар ва бирор белги берадилар. Чунончи, Истамбулда амирлик белгиси - пошо деб номланади, Ҳиндистонда ва Эронда - хон, Бухорода - бек деб атайдилар. Бу белбоғ (фута) ва ханжар шуни белгисидир» [8.60a].

Элчи ушбу ҳаракати билан ўзининг Бухоро ҳукуматида катта мартбадаги шахс эканлигини кўрсатибгина қолмай, балки бу орқали Султоннинг иззат-хурматига сазовор бўлишга эришади ва дипломатик муваффакият қозонади.

Турк султони Абдулмажид элчининг хозиржавоблигидан хурсанд бўлиб, унинг кўкрагига султонликдаги олий орден – «Мажидия» (“Халоскорлик”) нишонини тақиб қўяди ва шундай дейди: «...бугун Сиз подшохларнинг икки белгисига сазовор бўлдингиз» [8.60b]. Элчи Болтақулбек Истамбулда б ой бўлгач, Бухорога қайтган.

Амир Насруллохон ҳукмронлиги даврида нафақат Бухородан Истамбулга, балки Истамбулдан Бухорога ҳам элчилар келиб турганлар. Чунончи, Туркия билан ҳамкорликда Россия истилосига қарши Ўрта Осиё ҳонликлари иттифоқини вужудга келтиришга интилган Англия ҳукумати томонидан 1840 йилда Хива, Кўқон ва Бухорога юборилган инглиз зобити А. Конолли, шунингдек, М. Стоддартларни озод қилиш зарурлиги, уларни хибсга олиш ҳалқаро ҳуқуқ қоидаларига тўғри келмаслиги ҳақида икки мактуб ёзиб, элчилар орқали Бухоро амирига юборган [3.250-254]. Бироқ бу мактубга қарамасдан, Амир Насруллохон Конолли ва Стоддартларни қатл эттиради.

Гарчи кутилган натижаларга эришилмаган бўлса ҳам, Бухоро амирлигининг Туркия билан элчилик алоқалари амир Музаффархон (1860-1885 йй.) ҳукмронлиги даврида ҳам давом этди. Чунончи, Туркистон генерал-губернатори Черняев 1866 йилнинг январида Бухоро амирлигини бўйсундириш учун эълон қилинмаган уруш бошлаган бир пайтда, амир Музаффархон рус истеъосидан химоя ва ёрдам сураб Бухоро муфтийси Хўжа Муҳаммад Порсо (Хўжа Муҳаммад Порсо - ўз замонасининг атоқли кишиларидан бири. Порсо ўз отасидан таҳсил олган. Амир Музаффар даврида «муфти аскария» мансабида бўлган. У умрининг сўнгти йилларида Туркия ва Ҳиндистонда дипломатик сафарда бўлган. Ҳиндистонда бир мунча вақт истиқомат килиб, сўнг Бомбейда вафот этган.) [12.63] ни Истамбулга элчи қилиб юборади. Хўжа Муҳаммад Порсо Афғонистон ва Ҳиндистон орқали Истамбулга келади. Элчи айни пайтда Амирнинг Англиянинг Ҳиндистондаги вакили Жони Лауренс ва Англия қироличаси номига ёрдам сўраб ёзилган мактубларини ҳам келтирган. Бироқ 1842 йилда Бухоро амири томонидан инглиз зобитлари Ч.Стоддарт ва А.Коноллиларнинг қатл этилганини унутмаган Англия ҳукумати Бухоро билан орадаги масофанинг узоқлигини важ қилиб, рад жавоби берди ва амирга босқинчиларга қарши курашда муваффакиятлар тилаб қўя қолди [16.75].

Инглизларнинг салбий жавобидан кейин кайфияти тушган элчи йўлга чиқиб, 1867 йилнинг сентябрида Усмонийлар пойтахтига кириб келади. Уни Истамбулдаги Усмонийлар муфтиси жуда яхши кутиб олади. 24 сентябрь куни султоннинг элчини қабул қилиш маросими бўлиб ўтади. Хўжа Муҳаммад Порсо султонга Туркистондаги ҳолат, русларнинг ҳужуми тўғрисидаги хабарларни етказади ва амирнинг биринчи мактуби ҳамда бериб юборган совғаларини топширади. Хозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик Институтининг кўлёзмалар хазинасида сақланаётган Амир Музаффарнинг Усмонийлар султонига ёзган мактубида айтилишича, у халифа (Туркия султони. Ўша пайтда Туркия султони бутун Мусулмон Шарқининг халифаси ҳисобланган. Ш.Ш.)га анъанага кўра ўзининг Бухоро таҳтига ўтирганлиги тўғрисида маҳсус мактуб юбормоқчи бўлган, аммо бунга давлатдаги ички ва ташқи сиёсий вазият, яни Шахрисабздаги кенегас уруғи ва унинг атрофидаги бошқа уруғлар бекликлари қўзғолонлари, русларнинг Туркистон ҳудудларига тажовузи тўқинлик қилган [13.64].

Амир мактубида қозоқ ҳалқи сарҳадлари бўлган Даشت-қипчоқ ерлари руслар томонидан 20 йил аввал (1846 йилда) босиб олинганлиги ва у ерда руслар Оқ Масжид қалъасида урнашиб олиб, уни мустаҳкамлаб, сўнг яна улар ўзларининг босқинчилик сиёсатини давом эттириб, Кўқон ҳонлиги ҳудудига кирганлиги, Тошкент беклигини забт этганлиги ва якинда узлари забт этган ҳудудларда губерния ташкил этганларни хусусида ҳам маълумотлар бериб ўтилган.

Шунингдек, Музаффархон Тошкент аҳолисининг ёрдам сўраб Бухорога мурожаат қилганлиги ва амир ҳақиқий ҳолатни билиш учун русларга ўз элчисини юборганлигини ёzáди. Мактубда баён этилишича, руслар Бухоро элчиларини тутқунликда сақлаб, Сирдарёдан ўтадилар ва Жиззах вилоятини қамал қилишга киришадилар. Аммо бу ерни босиб ололмай, Сирдарё бўйига қайтиб у ерга мустаҳкам ўрнашганлар. Ана шу вазиятда

амир жиҳод эълон қилиб, ҳужумга ўтишга қарор қилади ва Сирдарё бўйида рус босқинчилариға қарши қаттиқ жангга киришади. Музаффархоннинг таъкидлашича, Бухоро жангчилари ўша пайтгача рус харбийлариникидек кучли қурол-яроғ ва тўпларга эга бўлган душман билан тўқнашмаганлар, Европа қурол-яроғи ҳакида тасаввурга ҳам эга бўлмаганлар. Уруш олиб боришниг замонавий тактикаси йўқлиги, марказлашган бошқарув ва қўмандонликнинг ташкил этилмаганлиги, қурол-яроғ таъминотидаги қолоқлик сабабидан Бухоро қўшини бу жангда мағлубиятга учраган [13.656]. Мактубда Хўжанднинг руслар томонидан забт этилиши тўғрисида шундай дейилади: «Мусулмонлар шаҳарни (Хўжандни-Ш.Ш.) мустаҳкамлаш билан овора бўлиб, унинг дарё томонини ҳимоясиз қолдирадилар, натижада руслар вазиятдан фойдаланиб, тўпларни қайиқларга жойлашириб, қайиқлар орқали дарёдан ўтишади ва жанг бошланиб кетади. Жангда йирик дин арблари, саййидлар, эшонлар ва бошқа Ислом ҳимоячилари ҳалок бўладилар» [13.666].

Мактуб сўнгидаги Куръони Каримдан калималар келтирилиб Рум ҳалифаси (Туркия султони – Ш.Ш.) нинг ҳурмат эътибори унинг мусулмонларни ҳақ - ҳуқуқини ҳимоя қилиши зарурлиги хусусида эслатиб ўтилади, русларга қарши курашда мадад сўралади [13.67a]. Ва ниҳоясида, Музаффархон ўз элчиси Муҳаммад Порсо Хожа Садр номини ёздириб, мактубда битилмаган айрим гапларни элчи сўзи орқали етказиши мумкинлигини эслатади [13.67b].

Мактубни топширган элчи Хожа Муҳаммад Порсога султон фармонига кўра ҳажга бориши ҳарражатлари учун 50.000 куруш пул ажратилган. Элчининг Англияning Истамбулдаги элчиси Хенри Эллиотга Бухоро амирлигига ёрдам кўрсатишни сўраб, 1867 йилнинг 24 нояброда қилган ёзма мурожаати ҳам илгаригидай натижасиз тугайди. Жавоб хатида Англия ҳукумати ўзининг Ҳиндистондаги вакили Жонн Лауренснинг ёзган жавобини етарли хисоблаган, Стоддарт ва Конолли фожеасини ҳали унутмаганлигини билдирган.

Замонавий ҳарбий қурол аслаха жиҳатидан русларга бас келолмаган амир Музаффархон фон Кауфманга элчи жўнатиб, сулҳ шартномаси тузишни таклиф қилди [11.216-218]. Аммо Кауфман Бухоро амири олдига жуда оғир шартлар кўйгач, бу шартнома имзоланмади. Амир Музаффархон охирги имкониятларидан бирини ишга солиб, Усмонийлар султонига элчилар юбориб, шошилинч ёрдам беришларини сўради. Туркистондаги сўнгти воқеалар ҳакида ёзилган, бири амир Музаффархондан, иккинчиси қушбеги Муҳаммадшоҳдан бўлган икки мактуб 1868 йилнинг 7 февралида сарой аёнлари ва дин уламоларидан иборат жами 14 киши имзолаган форс тилида битилган мактубини Усмонийлар ҳукуматига топширади [14.102]. Бу мактуб Амир Музаффархоннинг буйруғига биноан Мулла Воҳид Садр томонидан насталиқ хатида Қўқон қофозида ёзилганди. Амир Музаффархоннинг Усмонийлар султони Абдулазизга мурожаатномасида жумладан шундай сатрлар битилган: «Сизларга сўнгги маротаба арз қиласизки, Россиянинг истилочилик фаолияти унинг журъатини оширди. Руслар бир қанча вақтдан буён қароргоҳ сифатида фойдаланиб келаётган Оқ Мачитдан чиқиб, Ҳазрати Султон, Чимкент, Авлиёта, Хўжант ва Ташкентни қўлга киритиб, ҳалқнинг кўпини шахид қилди ҳамда мусулмонларга ҳаддан зиёд адолатсизлик ва зулм ўтказди. Оренбург ҳокими (Крижановский назарда тутилган) Янгиқўрғонда тураркан, бизга бир мактуб юбориб, сулҳ тузиш истагини билдириди. Натижада биз унга алданиб, қўшинни орқага қайтардик. Буни эшигтан кофирлар ўз қўшинини Янгиқўрғондан олмади. Ҳодисанинг вуқуъ этишини арз қиласиз. Халифа ҳазратлари русларни мусулмонлардан узоқлаштиурсин, шу тариқа исломият ривож топсин ва заифлашмасин. Бу тарафда жаноби олийлари тўпхона қурдириб, 10.000 кишилик аскар кофирлар билан қарама-қарши турибdir. Агар халифа ҳазратлари мактуб ёки киши юбориб русларни мусулмонлардан узоқлаштиrsa, давлатнинг ривожини ва яхшиликла эсланишининг сабаби бўлажак. Чорасиз қолган мусулмонлар Халифанинг бу шарофати билан кутулсалар, амал дафтарига буюк савоб ёзилади. Ожизлик ва чорасизлик ичида мусулмонларнинг аҳволи Халифа ҳазратларига билдирилсин»[14.102]. Султон бу мактубни «Мажлиси маҳсус»да ўрганиб чиқишига фармон беради.

Бухоро қушбегиси Муҳаммадшоҳнинг мактуби ҳам худди шу мазмунда ёзилганди. Қушбеги вазият ҳакида ёзар экан, Усмонийлар саройидаги вазирлар ва садри аъзамлардан Бухородаги аҳволни султонга тушунтиришларини илтимос қилади. Лекин Усмонийлар султони Абдулазиз Бухоро амирига ёрдам берадиган аҳволда эмас эди. Усмонийлар ҳукумати Бухоро амирининг мактубини «Мажлиси маҳсус»да мухокама қилаётган пайтда, руслар Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларини давом эттиридилар. Мактубга жавобан

Усмонийлар давлати Бухорони Россия билан муносабатларни чигаллаштирмасликка қақирди, холос [10.4].

Бу пайтда Болқондаги ахвол мураккаб эди. 1856 йилда Англия ва Франция томонидан Европа давлати деб эътироф этилган Туркия Болқон худудидаги 12 млн. славян, юонон ва албанлар устидан ҳукмронлик қилаётгандын эди [9.93]. Айни замонда Болқон халқлари ўз мустақиллиги учун курашмоқда эдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмида Болқондаги норозиликлар вақти-вақти билан кўтарилиб турди. Россия таъсирининг Болқон ярим оролида кучайиши Туркияга ҳавф тугдиради. Шунинг учун Франция императори Наполеон III таклифига биноан Парижда очилган катта бир кўргазмани томоша қилиш баҳонаси билан 1867 йилда Францияга кетиб, қайтишда Англия қироличаси Виктория, Бельгия қироли Леопольд II, Пруссия қироли Вильгельм I, Австрия императори ва Венгрия қироли Франсуа Жозеф I, Руминия шаҳзодаси Карл I лар билан учрашган Султон Абдулазиз, нихоят, Бухоро амирининг бу мактубини муҳокама қилишни лозим топади. Бухоро амирининг ёрдам сўраб ёзган охирги мурожаатномаси 1868 йилнинг май ойларида бўлиб ўтган «Мажлиси маҳсус» да ўрганиб чиқишига киришилади. Бироқ бу орада Бухоро билан Россия ўртасида уруш бошлангани ва унда мағлуб бўлган амир Музаффархон руслар билан сулҳ тузишга мажбур бўлгани ҳақидаги хабар Истамбулга етиб келади. Бундан хабар топган Хожа Муҳаммад Порсо илгари сўралган қурол-яроғ ўрнига, уруш тактикасини ўргатадиган мутахассис, тўп ва тўп созловчи усталар берилишини ҳамда Усмонийлар давлат бошқарувини бухороликларга тушунтирадиган шайх Сулаймон афандини ўзи билан юборишга руҳсат беришни сўрайди. Мулла Муҳаммад Порсонинг бу илтимоси ҳам «Мажлиси маҳсус» да кўриб чиқилади. 1869 йилнинг 20 февралида мажлиснинг қўйидаги қарори эълон қилинади:

«Илгари ҳам Бухоро амирлиги Русиядан ўзларини химоя қилиш учун биздан ёрдам сўраган эди. Лекин биз орамиздаги масофанинг узоқлиги учун Кўқон ва Хива билан алоқаларни яхшилашни тавсия қилган эдик. Русиянинг сўнгги хужумидан кейин Тошкент кўлдан кетгач, элчи юборилган эди. Биз уларга ўз таклифимиз, яъни Россия билан яхши муносабатда бўлишни таклиф қилган эдик. Халқаро майдонда Россия ва Англия ўртасидаги вазиятлар бизларни тант ахволга солиб қўйиши мумкин. Бухорода ўзаро урушлар вазиятлари янада мураккаблашмоқда.

Русия ва амир Музаффархон ўртасидаги сулҳдан сўнг Хожа Муҳаммад Порсо мамлакатига қайтиб кетишини билдириди ва у қуруқ қайтмаслик учун тактика ўқитувчisi, тўп ва тўп созловчи усталар суради. Лекин биз буни қабул қила олмаймиз. Сабаби руслар норозилик билдиришлари мумкин. Кейинчалик бу ёрдамни кўрсатамиз, деган умиддамиз. Шайх Сулаймон афандини элчи билан бирга Бухорога юборишга карор қилдик ва йўл ҳаражатлари учун 75.000 куруш (пул) ажратамиз. Подшоҳимиз фармони ила юқоридагилар ижобат бўлғай» [16.100].

Усмонийлар султони Абдулазизга «Мажлиси маҳсус» нинг юқоридаги хulosаси маъкул келади. 1868 йили Хўжа Муҳаммад Порсо ва Шайх Сулаймон афандилар Истамбулдан Бухорога йўлга чиқади (Баъзи муаллифларнинг фикрича, Сулаймон афандини Турк султони Англия билан келишилган холда жосус сифатида юборган Ш.Ш.) [15.34]. Шайх Сулаймон афанди Бухорога келгач, Усмонийлар давлатидаги вазият ва Бухорога ҳарбий ёрдам беришнинг имкони йўклигини маълум қилиб, султоннинг мактубини топширади. Мактубда Усмонийлар давлатининг ёрдам бериш истагига орада бир неча давлатлар борлиги монеълик қилаётгани ёзилган эди. Усмонийлар ҳукумати Бухоро амирлиги юборган элчилардан ҳурсанд бўлганлигини ва бунинг исботи сифатида ўз элчиларини ҳам юбораётганини билдиради.

Амир Музаффархон Турк султонининг Бухоро учун ҳал қилувчи вазиятда амалий ёрдам қўрсата олмаганлигига қарамай, кейинчалик ҳам Туркиянинг Бухорога амалда ёрдам қилишидан умидини узмаган эди.

Қисқача хулоса қилиб шуни айтиш мумкини, XVIII аср охирларидан Ўрта Осиёни чор Россияси истило қилгунига қадар Бухоро амирлиги билан Усмонийлар давлати ўртасидаги элчилик алоқалари асосан сиёсий тусда бўлди. Бухоро амирлиги дастлаб ўз худудий ерлари: Марв, Карки, Балх ва Жанубий вилоятларини Эроннинг сиёсий таъсиридан чиқариш, Эроннинг шимолдаги сиёсий маркази бўлган Машҳад вилоятини қўлга киритиш мақсадида Усмонийлар ҳукуматидан иттифоқчилик кутиб Туркияга элчи юборган бўлса, кейинчалик Ўрта Осиё хонликлари орасида ўзининг устунлигини тасдиқловчи фатвога эришиш, чор Россияси босқинчиларига қарши Ислом халифасидан мадад олиш мақсадларида элчилик алоқаларини давом эттирган. Ўз навбатида Турк султонларининг ҳам Бухоро амирлиги билан

элчилик алоқалари ўрнатишдан кўзлаган сиёсий мақсадлари бўлиб, у Англия билан биргаликда Ўрта Осиё давлатларининг чор Россиясига қарши иттифоқини тузишга интилган. Бироқ, Бухоро амирлигининг Эронга ва қўшни хонликларга нисбатан юритган сиёсати турк султонлари томонидан кўллаб - қувватланмаган, Россияга қарши уруш қилиш учун сўраган ёрдамлари Султон томонидан кўрсатилмаган. Айни пайтда Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги ички низоларни бартараф қилиш ҳам Турк султонининг қўлидан келмаган ва улар ўртасида чор Россиясига қарши иттифоқ тузишга эриша олмаган. Шу сабабдан Бухоро-Усмонийлар муносабатларида турғунлик даври бошланган.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Валиева Д. Бухоро – Эрон алоқалари тарихига доир // Шарқшунослик. – №8. – С.133-143. Валиева Д. XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро-Россия дипломатия алоқаларига доир // Шарқшунослик. – 1999. – №9. – Б.120-122.
2. Васильев А.Д. Взаимоотношения Османской империи и государств Центральной Азии в середине XIX – начале XX вв. Автореферат на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. – М.: 2007. – 28 С.
3. Васильев А.Д. Турсцкий султан и пленные англичане в Бухаре. Османский документ из переписки об освобождении арестованных в Бухаре британских агентов Чарлза Стоддарта и Артура Конолли//исторический вестник россия и исламский мир. Т. 11. под общей редакцией д.р. Жантиева - М.: 2015. – С. 250-256.
4. Внешние экономические связи Османской империи в новое время (в конце XVIII-XIX вв.).М.,1989. – 80 с.
5. История Центральной Азии в османских документах. Том III. Общественная и повседневная жизнь. Самарканд: МИЦАИ, ТОА. 2012. 313 с.
6. Миллер А. Ф. Мустафа паша Байрактар [Текст]: оттоманская империя в начале XIX века / А. Ф. Миллер. - М.; Л.: Изд-во АН СССР, 1947. - 507 с.
7. Маннонов Б. Ўрта Осиё ва Эрон элчилик муносабатлари тарихидан//Эрон. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.112.
8. Мирза Мухаммад Салим. Тарихи Кашкули Салимий // ЎзР ФА ШИ. Инв.– №2016, В.59а-59 б-606.
9. Новичев А. Д. Турция [Текст]: краткая история / А. Д. Новичев; Ленингр. гос. ун-т им. А. А. Жданова. – Москва: Наука, 1965. – 269 с. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. в 9-томах. Том II. часть 1. – М.: Наука , 1963. С. 1016.
10. Покровский С. Международные отношения России и Бухары в дореволюционное время//Бюллетень САГУ. – Вып.16. – Ташкент, 1927. – С.4-9.
11. Попов А.А. Из истории завоевания Средней Азии //Исторические записки. – 1940. – №9. – С.216-218.
12. Тарихи Рокими //ЎзР ФА ШИ, Кулёзмалар хазинаси, Инв.№3282. - В.63; Низомутдинов XVI-XX асрларда Ўрта Осиёнинг Россия билан тарихий ва иқтисодий алоқалари. – Тошкент: Фан, 1965. – С.22.
13. ЎзР ФАШИ, Кулёзмалар хазинаси, Инв.№ 2882-IV.-В. 64 б.
14. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Биринчи китоб. – Т.: Шарқ, 2000. – 464 б.
15. Халфин Н. Султанская Турция и Английская экспансия в Средней Азии (50-80 гг. XIX в.) // Труды САГУ. – Вып.XXCV. – Кн.14. – Ташкент: САГУ, 1957. – С.37-41.
16. Mert O. Buhara emirlegi elcisi Muhammed Parsa Efendinin Istanbuldaki diplomatik faaliyeti (1867-1869). – Ankara.: Türk Kültürü Araştırmaları XV. 1/2 1976. – S.100
17. Saray M. Rus isqali devrinde Osmanlı devleti ile Turkistan hanlıklar arasındaki siyasi munasebetler (1775-1875). – Ankara., 1994. – 114 с.

#### **УЎК 901**

### **ХОРАЗМ ВОҲАСИДА АРХИВ ИШИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

**Ю.Х. Юлдашев, тадқиқотчи, Урганч давлат университети, Урганч**

**Аннотация.** Мустақиллик даврида архив иши ва иши юритши соҳасида зарур инфратузилма яратилди, архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишида ижобий натижаларга эришилди ҳамда муайян интеллектуал ва технологик салоҳият шакллантирилди, Миллий архив фонди Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатлар билан бойитилди.

**Калим сўзлар:** архив, мустақиллик, ҳужжат, Миллий архив фонди, архив ҳужжатлари жамланмаси

**Аннотация.** За период независимости создана необходимая инфраструктура в области архивов и делопроизводства, достигнуты положительные результаты в сборе, учете, хранении и использовании архивных документов, сформирован определенный интеллектуальный и технологический потенциал, обогащен архивными документами культурного значения.

**Ключевые слова:** архив, независимость, документ, Национальный архивный фонд, собрание архивных документов

**Abstract.** During the period of independence, the necessary infrastructure in the field of archives and office work has been created, positive results have been achieved in the collection,

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ  
АҲБОРОТНОМАСИ**

**№10(67)  
2020 й., октябрь**

Ўзбекча матн муҳаррири: Рўзметов Дилшод  
Русча матн муҳаррири: Ҳасанов Шодлик  
Инглизча матн муҳаррири: Мадаминов Руслан, Ламерс Жон  
Мусаҳҳих: Ўрзбоев Абдулла  
Техник муҳаррир: Артиқбаева Гулистан

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувохнома № 13-023

Теришга берилди: 02.10.2020  
Босишга рухсат этилди: 06.10.2020.  
Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 70.  
Ҳажми 25 б.т. Буюртма: №

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими  
220900, Хива, Марказ-1  
Тел/факс: (0 362) 377-51-85  
E-mail: [mamun-axborotnoma@academy.uz](mailto:mamun-axborotnoma@academy.uz)  
[xma\\_axborotnomasi@mail.ru](mailto:xma_axborotnomasi@mail.ru)  
 (+998) 97-458-28-18